


**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Ғиждувон туман ҳокимлиги ҳузуридаги  
Ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиғи



\_\_\_\_\_ **М.А.Умаров**  
\_\_\_\_\_ **2022 йил**

**Ғиждувон туман ҳокимлиги ҳузуридаги  
Ободонлаштириш бошқармаси балансига “Яшил Макон  
дастури” доирасида олинадиган манзарали кўчатлар  
учун**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

**Ғиждувон туман - 2022 йил**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### II. Техник қисм

### III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Ёиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси балансига “Яшил макон дастури” доирасида олинадиган манзарали кўчатлар

- Элъдар Сасна 3850 дона 18 000 сўмдан жами 69 300 000 сўм
- Можжевелик 5500 дона 18 000 сўмдан жами 99 000 000 сўм
- Юкка 1000 дона 18 000 сўмдан жами 18 000 000 сўм
- Олча писсарда 900 дона 70 000 сўмдан жами 63 000 000 сўм
- Туя компакт 4035 дона 20 000 сўмдан жами 80 700 000 сўм
- Сирийская роза 2000 дона 17 000 сўмдан жами 34 000 000 сўм

1.2.Танловнинг юкори қиймати: 364 000 000 (Уч юз олтмиш тўрт миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ёиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Ёиждувон туман Ф.Хўжаев МФЙ Пахтакор кўчаси 40 уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Ёиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Танлов объектига ўхшаш объектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йуклиги тугрисида
- Қатнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, миждоз билан суд ёки хақамлик муҳоқамаси ҳолатида булмаганлиги тугрисидаги қафолат хати.
- Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Ишларни бажариш муддати Қафолат хати

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Ғиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги

Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи



*Умаров*  
М.А.Умаров

2022 йил

«22» ноябрь

Ғиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси  
балансига “Яшил Макон дастури” доирасида олинадиган манзарали кўчатлар  
учун

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Ғиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси балансига “Яшил Макон дастури” доирасида олинадиган манзарали кўчатлар
2	Буюртмачи	Ғиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Ғиждувон туман
4	Объект жойлашган ўрни	Ғиждувон туман Ф.Хўжаев МФЙ Пахтакор кўчаси 40 уй
5	Қатнашувшилар учун талаблар	Ғиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси балансига “Яшил Макон дастури” доирасида олинадиган манзарали кўчатлар
6	Тижорат таклифини тақдим этиш учун шартлар	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома
7	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Товарлар етказилганлиги ҳақида счёт фактура тақдим қилингандан сўнг
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил ноябрьдан 2022 йил 10 - декабрьгача
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажарилаётган вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиниши шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Ғиждувон туман ҳоқимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси бюджет маблағлари ҳисобидан
11	Молиялаштириш манбаи	364 000 000 сўм

Квалификасиядан олдинги баҳолаш тартиби ва мезонлари  
Танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш

Танлов техник таклиф ҳужжатлари асосида амалга оширилади.  
Таклифлари техник баҳолашдан ўтмаган иштирокчилар танловда иштирок  
этишдан четлаштирилади

Жадвал №1

№	Талаблар	Баҳо	Эслатма
1	Кафолат муддати	Кафолат муддати (Имзо ва муҳр билан пдф форматда илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади</i>
2	Иш тажрибаси (Шу соҳада етарли иш стажи хужалик товарлар савдоси билан шугулланганлиги)	Шу соҳада етарли иш стажи хужалик товарлар савдоси билан шугулланганлиги (Имзо ва муҳр билан пдф форматда илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади.</i>
3	Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги ёқлиги тўғрисида маълумот	Корхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги ёқлиги тўғрисида маълумот (my.soliq.uz сайтидан Имзо ва муҳр билан пдф форматда илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади.</i>
4	Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар	Гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар. шугулланганлиги (Имзо ва муҳр билан пдф форматда илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади.</i>
5	Коррупцияга қарши талаблар (684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт)	684-Конун 13-моддаси талабларига риоя этилиши юзасидан кафолат хати (Имзо ва муҳр билан пдф форматда илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим</i>

			<i>этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади.</i>
6	Махсулотларни етказиб бериш муддати	Махсулотларни вақтида етказиб бериш тўғрисида кафолат хати (Имзо ва муҳр билан пдф форматида илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади.</i>
7	Товарни куздан кечириш учун олдиндан 1 намуна етказиш	товарни куздан кечириш учун олдиндан 1 намуна етказилганлиги ва буюртмачи ишончли вакили томонидан кўздан кечирилганлиги тасдиқловчи белги (имзо) (Имзо ва муҳр билан пдф форматида илова қилинг)	Тақдим этилса – 20 балл тақдим этилмаса – 0 балл <i>Агар иштирокчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, унда иштирокчи савдодан четлатилади</i>

Минимал ўтиш балли (техник қисми баҳолаш ва малака баҳолаш йиғиндиси) : 60 балл.

### Танланган таклифнинг нарх қисмини баҳолаш

Нархларни баҳолаш мезонлари - танланган ҳужжатларнинг нарх қисми учун ягона мезон шартнома суммаси (бошланғич нарх).

Жадвал №3

№	Талаб	Баҳо	Эслатма
1	Нарх таклифининг миқдорий кўрсаткичи	Энг паст нарх - 10 балл. Энг юқори нарх - энг паст балл	Нархнинг энг паст нархга нисбатан фоизда ўсиши энг паст нархга кўйилган баллар фоизининг худди шундай пасайиши сифатида баҳоланади.

- техник ва малака қисмининг миқдорий кўрсаткичи – 90%
- нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи – 10%

Эслатма: Иштирокчилар томонидан юкланган ҳужжатларни баҳолаш қўшимча комиссия қарори билан амалга оширилади.